



ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОВЕСТВОВАТЕЛЬНЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ В НАУКЕ «МААНИ»

Нигора Мулласодиқова

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси

“Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар” кафедраси доценти

Аннотация. В данной статье исследуются лингвопрагматические особенности повествовательных предложений и выражаемые ими прагматические значения в рамках направления «Маани» арабской риторики. В ней анализируется тип предложения с точки зрения отражения действительности – повествовательное предложение, его первоначальные функции в зависимости от цели говорящего, а также его использование в переносных прагматических целях с отступлением от основной функции. Примеры взяты из аятов Священного Корана, хадисов и классической арабской поэзии; обосновывается, что каждый из них выражает десятки тонких эмоциональных значений, таких как мольба (дуа), восхваление, побуждение, предупреждение, приказ, запрет, гордость, проявление слабости и сожаление. Подчеркивается, что повествовательные предложения являются не просто обычным грамматическим средством отражения действительности, но и коммуникативным инструментом, передающим смысл чрезвычайно тонко, выразительно и целенаправленно.

Ключевые слова: *наука «Маани», повествовательные предложения, риторическое значение, полезная информация, фаидатул-хабар (передача новой информации), лазимул-фаида (выражение осведомленности).*



Аннотация. Мазкур мақолада араб балоғат илмининг «Маъоний» йўналишида хабарий гапларнинг лингвопрагматик хусусиятлари ва улар орқали ифодаланадиган прагматик маънолар тадқиқ этилган. Унда гапларнинг воқеликни ифодалашига кўра гап тури – хабарий гап, унинг сўзловчи мақсадига кўра дастлабки вазифалари ва асл вазифасидан чекиниб, кўчма прагматик мақсадларда қўлланилиши таҳлил қилинган. Мисоллар Куръони Карим оятлари, ҳадислар ва мумтоз араб шеърятидан олинган бўлиб, ҳар бирининг дуо, мадҳ, рағбатлантириш, огоҳлантириш, буюриш, таъқиқлаш, фахр, заифликни билдириш ва ҳасрат қилиш каби ўнлаб нозик ҳиссий маъноларни ифодалаши асослаб берилган. Хабарий гаплар фақатгина воқеликни акс эттирувчи оддий грамматик восита эмас, балки маънони ўта нозик, таъсирли ва мақсадга йўналтирилган тарзда етказувчи коммуникатив восита эканлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: «Маъоний» илми, хабарий гаплар, балоғий маъно, фойдали хабар, фаидатул-хабар (янги хабар етказиш), лазимул-фаида (хабардорликни билдириш) .

Abstract. This article investigates the linguopragmatic features of declarative sentences and the pragmatic meanings expressed through them within the framework of 'Ilm al-Ma'ani in Arabic rhetoric. It analyzes the type of sentence based on its representation of reality—the declarative sentence—its primary functions according to the speaker's intent, and its application for figurative pragmatic purposes, deviating from its original function. Examples are drawn from the verses of the Holy Quran, Hadiths, and classical Arabic poetry, substantiating that each expresses dozens of subtle emotional meanings such as supplication, praise, encouragement, warning, commanding, prohibiting, pride, displaying



weakness, and expressing sorrow. It is emphasized that declarative sentences are not merely simple grammatical tools reflecting reality, but rather communicative instruments that convey meaning in a highly subtle, impactful, and purposeful manner.

Keywords: *Ilm al-Ma'ani, declarative sentences, rhetorical meaning, useful information, fa'idatul-khabar (conveying new information), lazimul-fa'ida (expressing awareness).*

Гап инсон онгида шаклланган фикрни тингловчи учун етказиб берадиган ифода воситаси сифатида эътироф этилади. Сўзловчи тингловчига бирор нарса ҳақида хабар бериши ёки у ҳақида маълумот сўраши, ниманидир қилиши ёки қилмасликни талаб қилиши мумкин. Бу каби муносабатларни ифодаловчи гаплар тузилишига кўра турлича бўлиши кутилади.



Воқеликни тўғри ёки нотўғри акс эттирадиган, мазмунига кўра “ростми?” саволини туздирishi мумкин бўлган гаплар “хабарий гаплар” деб аталади:

وَجَاءَ أَهْلُ الْمَدِينَةِ يَسْتَبْشِرُونَ (س. الحجر: 67)

Шаҳар аҳолиси (меҳмонларни эшитиб) хурсанд бўлган ҳолларида келдилар. Мазкур гапга нисбатан “ростданми?” дейилса, “ҳа, рост, шундай бўлди” деб тасдиқлаш ҳам мумкин ёки аксинча, “йўқ, ёлгон, ундай бўлмади” деб инкор қилиш ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам гап мазмуни “хабар” деб ҳисобланади ва бундай гаплар ўзбек тилишунослигидаги дарак гапга тенглашади.

*Реал воқеликни эмас, унга бўлган муносабатни англатадиган гаплар **иншоий гаплар** дейилади. Бу ўзбек тилишунослигидаги “модаллик” тушунчасига тўғри келади. Иншоий гаплар таркибига الاستفهام - сўроқ, الأمر - буйруқ, النهي - таъқиқ, النداء - ундалма, التمني - тилакни ифодалайдиган ўзбек тилишунослигидаги сўроқ, буйруқ ёки ҳис-ҳаяжонни билдирадиган гапларни киритиш мумкин, масалан:*

فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَنْحِرْ.

Бас, Рабингиз учун (беш вақт ёки Қурбон ҳайити учун) намоз ўқинг ва

هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ؟

Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми? (Зумар с. 9)

Хабарий гаплар орқали сўзловчи асл маънони ифодалаб беради. Асл маъно сўзловчининг мақсади билан белгиланади. Сўзловчининг мақсади эса икки хил бўлади:



1. Тингловчи учун мутлақ янги хабар етказиш; мазкур мақсадда тузиладиган гап “فائدة الخبر” деб номланади, масалан:

صلى الله قال رسول الله: عدل ساعة في حكومة خير من عبادة ستين سنة.

Расулulloҳ: “Бошқаришда бир соат одиллик олтмиш йил ибодат қилишдан афзал”, – деганлар.

Ганда бир соатлик адолатли бошқарув қиймати қандай баҳоланиши сўзловчи учун янгилик қилинмоқда. Шунинг учун у “فائدة الخبر” деб аталади.

2. Сўзловчи тингловчига гап мазмунидан у ҳам хабардор эканини билдириб қўйишни мақсад қилиб тузиладиган гап “لازم الفائدة” деб аталади:

وَقَالَ مُوسَى رَبَّنَا إِنَّكَ آتَيْتَ فِرْعَوْنَ وَمَلَأَهُ زِينَةً وَأَمْوَالًا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا.. (س. يونس: 88)

Мусо деди: “Эй, Раббимиз! Сен Фиръавн ва унинг зодагонларига бу дунёда зебу зийнат ва мол-мулк ато этдинг”.

Хабарий гапнинг асл бўлмаган маъноси ҳам мавжуд бўлиб, бундай гап орқали сўзловчининг тингловчига хабар етказиши кутилмайди, аксинча, бошқа кўчма маънолар ифодаси назарда тутилади. Бундай гаплар тузилишига кўра хабарий деб ҳисобланади, мазмуни эса турлича бўлади ва мана шу мазмун “балогий маъно” деб аталади.

Хабарий гаплар орқали ифодаланадиган балогий маъно жуда кўп, қуйида улар орасида энг кўп ишлатиладиганларидан айримларини мисол қиламиз:

1. Улуглаш маъноси:

سُبْحَانَ الَّذِي خَلَقَ الْأَزْوَاجَ كُلَّهَا (س. يس: 36)

Барча жуфтларни яратган зот (Аллоҳ) тасбеҳ айтилишига лойиқдир.

2. Дуо маъноси:

إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ (س. الفاتحة: 5)

Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз. (Фотиҳа с.5)



3. Раҳм-шафқат ва меҳрибонлик маъноси:

Мен Раббимнинг мағфиратига муҳтожман - *إني فقير إلى عفو ربي*

4. Рағбатлантириш ва жалб қилиш маъноси:

لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَىٰ وَزِيَادَةٌ وَلَا يَرْهَقُ وُجُوهَهُمْ قَتَرٌ وَلَا ذِلَّةٌ (с. йونس: 26)

Эзгу иш қилганларга чиройли нарса (жаннат) ва зиёдалик (Аллоҳнинг дийдорини кўриш) бордир.

5. Заифлик ва итоаткорликни билдириш:

رَبِّ إِنِّي وَهَنَ الْعَظْمُ مِنِّي وَاشْتَعَلَ الرَّأْسُ شَيْبًا. (с. мариам: 4)

Эй Раббим! Дарҳақиқат, менинг суякларим мўртлашди, кексаликдан бошим (сочим) оқарди

6. Яхши кўрган нарсасидан ҳасрат қилиш маъноси:

إِنِّي وَضَعْتُهَا أُنْثَىٰ (с. Ал عمران: 36)

Эй Раббим, мен қиз туғдим.

7. Яқинлашаётган нарсага севиниш, амалга ошмаганига ҳам хурсанд бўлиш маъноси:

جَاءَ الْحَقُّ وَزَهَقَ الْبَاطِلُ - Ҳақиқат келиб, ботил завоқ топди

8. Таъна, маломат қилиш маъноси:

هَذِهِ النَّارُ الَّتِي كُنْتُمْ بِهَا تُكَذِّبُونَ (с. الطور 14)

Сизлар ёлгон деб юрган дўзах мана шудир

9. Огоҳлантириш, қўрқитиш:

إِنَّ زَلْزَلَةَ السَّاعَةِ شَيْءٌ عَظِيمٌ (с. الحج 1)

Қиёмат zilzilasi улкан (даҳшатли) нарсадир!

10. Мадҳ маъноси:

فإنك شمس والملوك كواكب

إذا طلعت لم يبد منهن كواكب



Сиз Қуёшсиз, подишоҳлар эса юлдуздир,

Қуёш чиққач юлдузлар, гойиб бўлар бир зумда

11. *Мартаба, даража ёки шу кабилар орасидаги фарқни эслатиш:*

وَمَا يَسْتَوِي الْأَعْمَىٰ وَالْبَصِيرُ (с. Фاطر 19)

Қўр (кофир) билан кўрувчи (мўъмин) баробар бўлмас

12. *Таъқиқлаш маъноси:*

لَا يَمْسُهُ إِلَّا الْمُطَهَّرُونَ (с. الواقعة 79)

Уни (Қуръонни) таҳоратли кишилардан ўзгалар ушламаслар, яъни “ушламасин” маъносини ифодалаган.

13. *Буюриш маъноси:*

وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ (с. البقرة 233)

Оналар фарзандларини тўла икки йил эмизадилар, яъни “эмизсин” маъносини ифодалаган.

ахр маъноси:

إن الله اصطفاني من قريش - Аллоҳ қурайшликлар орасидан мени танлади

Кутилаётган азоб-уқубатдан огоҳлантириш, оқибатидан қўрқитиш:

وَيَلِّ لِلْمُطَفِّينَ (с. المطففين 1)

(Савдо-сотиқда ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой!

Шарт маъносини ифодалаши ҳам мумкин:

إِنَّا كَاشِفُو الْعَذَابِ قَلِيلًا إِنَّكُمْ عَائِدُونَ (с. الدخان 15)

Биз бу азобни (сизлардан) биров аритувчидирмиз, сизлар ҳам (ўз қуфру исёнларингизга) қайтувчидирсиз.

Бу гап шаклан хабар, маъносида “агар сизлардан азобни биров аритсак, сизлар яна қайтиб оласизлар” деган маънодаги шарт эргаш гапни ифодалайди. Демак,



хабарий гаплар маъоний илмидаги энг асосий ифода воситаларидан бири бўлиб, улар орқали турли мазмун намоён бўлади. Хабарий гапнинг асосий вазифаси маълумот етказиш билан чекланмайди, у асл маъно билан бир қаторда кўчма – ҳиссий маъноларни ҳам ифодаб келади. Хабарий гаплар дуо, мадх, таҳдид, рағбат, огоҳлантириш, фахр, улуғлаш, таъна, буюриш ёки таъқиқлаш каби ўнлаб маъноларни ифодалаш имконига эга. Бундай гаплар фақатгина воқеликни ифодаловчи грамматик ҳодиса эмас, балки маънони ўта нозик, таъсирли ва мақсадга йўналтирилган тарзда етказувчи восита ҳамдир. Маъноларнинг ифодаланиши тилдаги маъно тизимининг ниҳоятда бой ва мураккаб жараёндан иборат экани, хусусан, Қуръон матнида ҳар бир грамматик шаклнинг семантик юкламаси ғоят нозик ҳикмат билан келтирилганини кўрсатади.